

---

## 58-умумий ўрта таълим мактабида

Фашизм устидан қозонилган ғалабага бу йил 76 йил тўлади. Ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун нафақат уруш қатнашчилари, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ. Шу ўринда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди. Шу муносабат билан Риштон туманидаги 58-умумий ўрта таълим мактабида "Хотира ҳамиша муқаддас" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Тадбир давомида ушбу санага бағишланган шеърлар, куй-қўшиқлар, айниқса уруш майдонидаги воқеа ҳолатларини акс эттирган сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Бу ҳол ёшларни юртпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларининг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш, меҳр-оқибат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

2021-05-08 16:22:42